

6 сентабр - Бутунжаҳон кураш кунини!



Миллий спортимиз бўлган кураш жаҳон узра ўз географиясини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатда Миллий федерациялар ташкил қилинган. Ўз навбатида, миллий спортимиз ҳам тобора йирик комплекс мусобақалар дастуридан муқим ўрин олмоқда. Жумладан, 2017 йил Туркменистонда ўтган Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари, 2018 йил Индонезияда ўтган Осиё ўйинларида мазкур спорт тури бўйича баҳслар ўтказилди. Бу йўлда барчамизнинг езгу мақсадимиз, шубҳасиз, ўзбек миллий курашини Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир.